

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ХАЛҚ СЕВГАН АДИБ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ХАЛҚ СЕВГАН АДИБ

*Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2007

*Тузувчилар:**Мухаррир**Масъул муҳаррир**Матн терувчи**М.Матмурадова, Ш.Мирҳамидова**Ҳ.Маматраимова**О.Қиличбоев**З.Жалилова*

Халқ севган адиб: Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчилар: М.Матмуродова, Ш.Мирҳамидова; Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- 52 б.

КБК 78.342+83.3 (5 Ў)6

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма ёзувчи ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда мутахассислар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007

МУҚАДДИМА

*Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Чўққилар қоларди юксак ва қатор.
Нега улар юксак, десам дедилар
Бу ердан ҳам ўтди Абдулла Қаҳҳор.
А.Орипов*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган адиб Абдулла Қаҳҳор ўзбек халқининг ҳаёти, инсоннинг ички ва руҳий ҳолати тўғрисида ўлмас асарлар яратди. У XX аср ўзбек насрининг етакчи адиблари қаторидан муносиб ўрин олган машҳур намоёндалардан бири.

Абдулла Қаҳҳор адабиётга шоир сифатида кириб келган, кейин ҳикоянавис сифатида шуҳрат қозонган улкан адиб бўлибгина қолмай, публицист, қисса ва романнавис, сатирик комедия ва лирик драматург, журналист ва таржимон ҳамда сўз санъаткоридир.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиёти ривожига ўзининг кўплаб асарлари билан муносиб ҳисса қўшган адиб. Унинг 30-йилларда ёзган туркум ҳикоялари, кейинги йилларда яратилган қатор қиссалари ва “Сароб” романи ҳали ҳануз ўзбек китобхонининг қўлидан тушмай келмоқда. Негаки Қаҳҳор бу асарларида ўзбек ўқувчисига мос ўзбекона наср ярата билган. Афсуски, ҳозирги адабиётимизда шу каби асарлар кам даражададир.

2007 йил 17 сентябрда Абдулла Қаҳҳор таваллудига 100 йил тўлади.

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб ҳамда ёзувчи таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 январдаги “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишон-

лаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2007 йил сентябрь ойида мамлакатимиз миқёсида адиб юбилейини ўтказиш режалаштирилган.

Бу борада кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференциялар, адабий-бадiiй тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини Абдулла Қаҳҳор ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида адабиётлар тарғиботининг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, адабий-бадiiй саҳналаштирилган мусиқали кечалар, учрашув ва хотира кечалари, оғзаки журнал, китоб кўргазмалари, адиб асарларининг обзорлари сингари турлитуман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, тилшунослар, журналистлар, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва фаолияти (1907-1968)

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган забардаст ёзувчилардан. Унинг ҳикоя ва очерклари, қисса ва романлари, сатирик комедия ва лирик драмалари халқимизнинг маънавий хазинасидан муносиб ўрин олган.

О.Шарафиддинов

XX аср ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуғ адиб, шоир, ёзувчи, драматург, таржимон Абдулла Қаҳҳор 1907 йил 17 сентябрда Қўқонда темирчи оиласида дунёга келди.

Абдулла Қаҳҳор туғилиб ўсган оила машаққатли ҳаёт даҳшатларини бошидан кечирди. Отаси Абдуқаҳҳор Жалилов темирчилик билан кун кўрган. Оила тирикчилик туфайли Қўқон атроф-қишлоқларини кезиб, кўчиб юрган. Абдулланинг болалиги Яйпан, Нурсун, Нудош, Бувайдо, Толик, Олқор каби Қўқон атрофидаги қишлоқларда кечади.

Абдулла ўн ёшга кирганда Бувайдодаги эски мактабга ўқишга боради, яъни Оққўрғон қишлоғидаги Мамажон қорининг усули савтия мактабида таҳсил кўрди.

Оиласи Қўқонга кўчиб келгач “Истиқлол” номли мактабда ўқишни давом эттиради, ундан интернат, “Коммуна”, “Намуна” мактабларида, сўнг билим юртида таҳсил кўради. Абдулла Қаҳҳор билим юртининг “Адиб” қўлёзма журналида дастлабки машқлари билан қатнашади. Тошкентдаги “Қизил Ўзбекистон” газетаси таҳририятининг “Ишчи-батрак мактублари” варақасига муҳаррирлик қилади. 1925 йилда у газетада ишлаш жараёнида Ўрта Осиё давлат университетининг ишчилар факультетини тамомлайди. Абдулла Қаҳҳор яна Қўқонга бориб, дастлаб ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсида муаллимлик қилади. У кўп вақт ўтмай “Янги Фарғона” вилоят газетасига котиб ва “Чиғирик” ҳажвий бўлимига мудир этиб тайинланади.

Абдулла Қаҳҳор адабий фаолиятини шоир сифатида бошлаган. Унинг “Ой куйганда” илк ҳажвий шеъри 1924 йилда “Муштум” журналида “Норин шилпиқ” таҳаллуси остида босилди. Сўнг унинг бир қанча ҳажвий шеър ва ҳикоялари “Муштум”, “Янги йўл” журналлари ва “Қизил Ўзбекистон” газетасида Мавлон куфур, Гулёр, Ниш, Эркабой, Э-вой каби таҳаллуслар остида эълон қилинди.

Абдулла Қаҳҳор 30 йилларда яна Тошкентга қайтади ва Ўрта Осиё давлат университетининг педагогика факультетига ўқишга киради. Ёзувчи ўша пайтда “Совет адабиёти” журналида масъул котиб вазифасини бажаради. Кейинчалик у Ўздавнашр (1935-1953 йиллар)да муҳаррир ва таржимон, 1954-1956 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлаган.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди шеърят билан бошланган бўлса-да, унинг адабий мероси негизини насрий асарлари ташкил этади. “Бошсиз одам” ҳикояси 1929 йилда чоп этилган вақтдан бошлаб умрининг охиригача ҳикоя, очерк, публицистика, қисса ва роман жанрларида самарали ижод қилди.

Адибнинг биринчи “Қишлоқ ҳукм остида” қиссаси 1932 йили чоп этилган. Кейинчалик 1933 йилда “Олам ёшарадир”, “Қотилнинг туғилиши”, 1935 йилда “Қанотсиз читтак”, 1936 йилда “Мастон” каби ҳикоялари тўпламлари нашрдан чиқди.

Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йиллар ижодида унинг биринчи романи – “Сароб” муҳим ўринни эгаллайди. Ёзувчининг ушбу романи бош қаҳрамон Саидийнинг фаолиятини кўрсатишга қаратилган, яна унда 20-йилларнинг 2-ярмидаги ўзбек халқи ҳаётининг маиший, этнографик, иқтисодий ва маънавий манзаралари яққол акс этиб туради. “Сароб” кенг мавзули роман бўлгани учун ёзувчи ўзининг бадиий ниятини яланғоч ҳолда кўрсатмай, уни шу давр ҳаётининг бошқа манзаралари кўринишида реаллаштиришга уринган. Воқеалар тасвирида ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини сақлаб қолган.

Ёзувчининг уруш йилларида бир қанча фельетон, очерк ва ҳикоялари эълон қилинди. “Асрор бобо”, “Дардақдан чиққан

қахрамон”, “Кампирлар сим қоқди”, “Хотинлар” ҳикоялари ва “Олтин юлдуз” каби қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги, юксак ватанпарварлиги ифодаланган.

Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов айтганларидек, Абдулла Қаҳҳорнинг улкан хизмати шундаки, у чақалоқ ҳолда бўлган новеллани ўстирди, вояга етказди, унинг ривожига бўй берди. Унинг ҳикоялари билан орқада қолган бу жанрнинг танглиги кўтарилиб борди, бошқа жанрларга етиб олди, адабиётда мустаҳкам, тарихда абадий қоладиган ўринни эгаллаб олди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Бошсиз одам” ҳикояси унинг новеллачилик фаолиятига, умуман ижодига катта ишонч бағишлади. 30-йилларга келиб, адибнинг бу соҳадаги таланти қийғос очилди. Энг яхши ҳикоялари шу даврда юзага келди. Бақувват, ҳаммага манзур бўлган ҳикоялари китобхонларга кетма-кет тақдим этила бошлади. “Кўр кўзнинг очилиши”, “Анор”, “Бемор”, “Ўғри”, “Майиз емаган хотин”, “Адабиёт муаллими”, “Санъаткор”, “Мунофиқ” каби ҳикоялари новелланинг баркамол намуналари бўлиб майдонга чиқди.

Аввало, уларда Абдулла Қаҳҳор ҳаётдаги турли тоифадаги кишиларнинг зарур, керакли томонларини олиб усталик билан типиклаштириб, пухта характерлар яратиб берди.

Катта ҳамждаги асарлар инсон характерини яратиш учун кенг йўл очади. Бундай асарларнинг муаллифлари қахрамонларини турли вазиятларга олиб кириш, ҳар хил кишилар билан тўқнаштириб, портретларини ҳар томонлама таърифлаб, талай бақувват характерлар чизганлар. Аммо митти асарларга характер ярата олиш, уларни курашга олиб кириш, тақдирларини ишонарли ҳал қилиб, пухта характерларини чизиш муаллифлардан катта санъатни талаб қилади. Абдулла Қаҳҳор эса юқорида тилга олинган ҳикояларида бу мушкул санъатни тўла эгаллаб олганини намоиш қилади.

Бунга у ҳаётни тўла билиши, инсонларнинг ички оламига чуқур кириб бориши орқали эришади. Бу эса ўз қахрамонларининг шодлигини, қайғу-аламларини, ҳаяжонларини, ғазаб-нафратларини, кучли кечинмаларини ёрқин ифода этишга

имконият туғдирди. Новеллаларда киши руҳининг мураккаб томонлари нозик тасвирларда кўринади. Ёзувчи ҳикояларининг муҳим хусусиятлари шундаки, уларда инсоннинг ички ҳолати тўғри тасаввур қилиниши билан бирга, руҳий ҳолати асар мазмуни билан боғланиб кетади.

Абдулла Қаҳҳор жажжи ҳикояларида сатирик ва юморист сифатида ўз талантининг янги қиррасини намойиш қилди. Унда кулгичиликка таомил зўр эди. Буни жуда кўп асарлари айтиб турибди. У ёмонга ўз идеалини, давр нафасини қарши қўяди, асарларининг мазмунига, характерларнинг моҳиятига кулгини, масхарани сингдириб юбориш билан унинг жамиятдаги улкан кучини, ижобий характерини яққол кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳорни новеллачиликда улкан муваффақиятларга олиб келган омиллардан яна бири – унинг мумтозлардан, айниқса, рус адабиётидан ўқиш-ўрганиши бўлди. “Улуғ санъаткорнинг ижоди, - деб таъкидлаган эди шоир, - бадиий маҳоратимни оширишда катта мактаб бўлди”.

Абдулла Қаҳҳор новелланинг йирик устаси. Шунини алоҳида қайд этиб ўтишимиз керакки, Абдулла Қаҳҳордан олдин ҳам, у ижод этган замонда ҳам, ундан кейин ҳам талай новеллистлар бу турда қалам тебратдилар ва тебратмоқдалар. Лекин уларнинг ҳеч қайси бири унинг олдига тушолмади. Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида тенги йўқ новеллист.

Абдулла Қаҳҳорнинг повестлари китобхонлар орасида кўпроқ машҳур бўлиб кетди. У халқ оммаси ҳаёти ва курашининг турли босқичларини ифода этган повесть ва қиссаларни кетма-кет нашр эттирди. “Дардақдан чиққан қаҳрамон”, “Олтин юлдуз” қиссалари уруш йилларининг даҳшатли ва мардонавор манзаралари билан таништиради. “Муҳаббат”да эса, ёшларнинг пўлатдай мустаҳкам дўстлиги, икки қалбнинг оташин ҳиссиётлари, бу йўлдаги турли-туман тўсиқларни матонат билан енгиб, қаршиликларга учраганда чок-чокидан сўкилиб кетадиган севги эмас, балки ҳаёт гирдоблари тўлқинларида янада мустаҳкамланадиган муҳаббат мадҳ этилади. Шунингдек, қиссада ахлоқ-одоб, инсоний муҳаббат, маънавий поклик тарғиб қилинади, молпарастлик, худбинлик қораланади.

Повестлар ичида айниқса, “Ўтмишдан эртаклар” (1965) ҳамда “Синчалак” (1958) китобхонлар ўртасида шов-шувга, уларнинг катта ҳурматига сазовор бўлди.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”и мемуар характердаги асар бўлиб, адибнинг ўз ҳаёти, оиласи мисолида, хотиралари асосида ёзилган бу асарда ҳаёт воқеликлари тарихан аниқ ва реалистик чизилади. Адиб “Ўтмишдан эртаклар”ида бизни ўтган воқеаларга, ҳаётнинг аччиқ-чучук лавҳаларидан олиб ўтади. Биз ёш Абдулла билан бирга кулфатларни, азобларни бошимиздан кечиргандай бўламиз, янги ҳаёт бўсағасига кириб нашъасини сура бошлагандай бўламиз.

Турмушдаги воқеа ва ҳодисаларнинг ишонарли қилиб асослаб айтилиши, уларнинг қизиқарли, бадиийликда ҳикоя қилиниши повестнинг ютуғини таъминлаган асосий омилдир.

Абдулла Қаҳҳор прозанинг деярли барча турларида қалами-ни чархлаб олгандан кейин, адабиётимизнинг қийин жанрида ижод этиб, тўртта диққатга сазовор бўлган сахна асарларини ёзди. Санъаткорнинг драматургия соҳасидаги хизмати унинг комедиялари билан характерланади.

Муаллиф шу даврнинг муҳим мавзуларидан бири – қўриқ ерларни ўзлаштириш мавзусидаги “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”, 1949-1953) комедиясидир.

Атоқли рус драматурги Николай Погодин “Янги ер”ни “талантли комедия” деб аташи ҳам бежиз эмас.

“Шоҳи сўзана” комедиясида қўриқ ерларнинг – Мирзачўлнинг ўзлаштирилишидан кўра баъзи кишилар онгидаги шўрнинг бартараф этилиши мавзуи биринчи ўринга олиб чиқилган. Урушдан кейинги ўзбек адабиётидаги асосий конфликт – янгилик билан эскилик ўртасидаги зиддият бу комедияда ўзининг теран бадиий тасвирини топган. Ушбу асарда муаллиф усталик билан кулгили ҳолатлар яратган ва ҳажвий бўёқлардан мохирона фойдаланган ҳолда конфликтни ўзига хос равишда ҳал қилган. Ушбу комедия хорижий мамлакатлар сахнасида ҳам ўйналиб, ўзбек театр сахналарида муваффақиятли намоиш қилинди.

Абдулла Қаҳҳор кейинчалик “Оғрик тишлар” (1954), “Тобутдан товуш” (1962) ҳамда “Аяжонларим” (1967) комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Бу асарларда, хусусан “Тобутдан товуш”да ўша давр учун хос бўлган иллатлар ҳажв ўти остига олинди. Айниқса сўнги асарда Абдулла Қаҳҳор ўзига хос нозик туйғу билан жамиятдан порахўрликдек даҳшатли иллатни таг-томири билан йўқотиш истагида унинг айрим кўринишларини сахнага олиб чиқди, у “Сўнги нусхалар” номи билан ҳам сахна юзини кўрди.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг сўнги кунларида шўро жамиятида шахсга сиғинишнинг авж олиши орқасида юз берган фожиаларни тасвирловчи “Зилзила” қиссаси устида иш олиб борди. Бироқ уни тугата олмаган.

Айни пайтда Абдулла Қаҳҳор асарлари рус, арман, белорус, грузин, латиш, литва, молдован, мордов-эрзя, озарбайжон, татар, тожик, тувин, туркман, уйғур, украин, чечен, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, эстон каби тилларга таржима қилинган. Унинг айрим ҳикоялари эса араб, бенгал, болгар, вьетнам, инглиз, испан, монгол, немис, поляк, румин, француз, форс тилларида чоп этилган.

Улуғ санъаткор ёзувчимиз ижод булоғи қайнаб турган бир паллада оғир дарддан 1968 йил 25 майда 61 ёшида дунёдан ўтди.

Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилган ва ёзилмоқда ҳамда бир қатор йирик монографиялар, танқидий ва биографик рисолалар нашр этилган.

Жумладан: Ҳ. Абдусаматовнинг “Абдулла Қаҳҳор” (Ҳаёти ва ижоди ҳақида) (1957), “Абдулла Қаҳҳор” (Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк) (1960), М. Султоновнинг “Абдулла Қаҳҳор услубининг баъзи масалалари” (1967), “Ёзувчи услубига доир” (1973), М. Қўшжонов, У. Норматовнинг “Маҳорат сирлари” (1968), М. Қўшжоновнинг “Ҳаёт ва нафосат” (1970), “Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор” (1973), “Абдулла Қаҳҳор маҳорати” (1988), Н. Раҳимжоновнинг “Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамза театри” (1971), Н. Қўчқоровнинг “Бадий сўз устаси” (1976), М. Абдурахмоновнинг “Руҳий дунё тасвири” (1977),

С.Мирзаевнинг “Халқ севган адиб” (Ёзувчи Абдулла Қахҳорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида) (1977), М.Турсунхўжаеванинг “Таржима санъати” (Абдулла Қахҳор асарлари мисолида) (1977), Н.Шодиёвнинг “Рухият рассоми” (1977), К.Қахҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас” (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қахҳор ҳақида хотиралар) (1987), О.Шарафиддиновнинг “Абдулла Қахҳор” (Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар) (1988), шунингдек, “Адабиётимиз автобиографияси” (1973), “Абдулла Қахҳор” (Ҳаёти ва ижоди) (1987), “Абдулла Қахҳор замондошлари хотирасида” (1987), рус тилида И.Баролинанинг “Абдулла Каххар” (Очерк творчества) (1957), Л.Батнинг “Незабываемые встречи, литературные беседы” (Воспоминания) (1972), М.Агаповнинг “Об авторах ваших книг литературных композиций по материалам критической и мемуарной литературы” (1972), В.Оскоцкийнинг “Негасимое пламя костра” (1977), М.Бекжанованинг “Развитие сатирических традиций Гоголя в творчестве Абдуллы Каххара” (1978) каби рисолалар яратилди.

Адибнинг “Аяжонларим”, “Оғрик тишлар”, “Шоҳи сўзана”, “Тобутдан товуш” каби асарларидан пьесалар яратилди ва театр сахналарида қўйилди. “Синчалак” повести бўйича кинофильм яратилди.

Абдулла Қахҳор адабиёт соҳасидаги хизматлари учун “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони билан (1967) тақдирланди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1966) мукофоти-га сазовор бўлган. Мустақиллик йилларида эса “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Абдулла Қахҳор ранг-баранг ижоди ва улкан сўз санъаткори сифатидаги фаолияти билан ўзбек халқи маданиятининг янада юксалишига катта ҳисса қўшди. 1987 йилда адиб яшаган уйда Абдулла Қахҳор уй-музейи ташкил этилди.

Ҳозирги кунда унинг номи Тошкент ва Қўқондаги бир неча кўча, мактаб ва жамоа хўжаликлари-га, шунингдек маданият уйлари ва республика Сатира театрига берилган.

Унинг “Сароб” романи қайта-қайта нашр қилинган. Жумладан, 1995 йилда “XX аср ўзбек романи” туркумида чоп этилди.

Ёзувчи XXI асрда яшовчи авлодларга XX аср ўзбек жамиятининг қиёфасини намоён қилади, чунки унинг асарлари чинакам ўзбекона наср намунаси эди. “Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси” эканлигини англаган ўзбек китобхони Абдулла Қаҳҳор асарларини мутолаа қилар экан, ёзувчи истеъдодига албатта тан беради. Зероки, севимли адибимизнинг ўзи орзу қилган асарлари “адабий гўзаллик”нинг насрида ўз аксини кўрсатган. “Адабий гўзаллик” ила йўғрилган асарларини ҳали кўп ўқиймиз.

Абдулла Қаҳҳор таржимон

Абдулла Қаҳҳор адабиёт тарихида ўз саҳифасини очган, ўз овози ва услубига эга бўлган ёзувчи сифатида, санъаткор сифатида қимматлидир. Унинг бир қанча асарлари миллионлаб китобхонларнинг эътиборини қозонди. Ёзувчи асарлари бутун дунёга меҳнатсевар, донишманд ўзбек халқи ҳақида, унинг маънавий камолоти ҳақида ҳикоя қилади.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг ғоявийлиги ва замонавийлиги унинг ҳаққонийлигидадир.

Абдулла Қаҳҳор фақат новеллачи, йирик жанрларда асарлар яратган ёзувчи сифатидагина эмас, балки яхши таржимон сифатида ҳам машҳурдир. У аввало рус адабиёти, кейин чет эл адабиётидан қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этган. Ўзбек китобхонлари Абдулла Қаҳҳор орқали ушбу таржималарни ўқишга муяссар бўлганлар.

Маълумотларга кўра, Абдулла Қаҳҳор дастлаб, рус адабиётидан 1931 йилда Ф.Гладковнинг “Оловли от” романини, кейинчалик А.Серафимовичнинг “Темир оқим” романини (1933), А.П.Чеховнинг “Каштанка” ҳикоясини (1936), А.С. Пушкиннинг “Капитан қизи” қиссасини (1939, 1949, 1972), Н.В.Гоголнинг “Уйланиш” пьесасини (1940), Н.Виртаннинг “Шимолий фронт: Ҳикоялар, очерклар, портретлар”ини (1942), Б.Горбатовнинг

“Алексей Куликов-жангчи” асарини (1943), А.Ильиченконинг “Қалб хотираси” асарини (1943), Л.Шапиронинг “Учинчи ўғил: Разведкачи Сирожиддин Валиев ҳақида кинематограф учун 12 эпизоддан иборат повесть”ини (1943), Н.В.Гоголнинг “Ревизор”: 5 пардали комедиясини (1952, 1974, 1980), Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романини (1954), А.Гайдарнинг “Тимур ва унинг командаси” асарини (1974) ўзбек тилига таржима қилган.

Шунингдек, у Ю.Арбатнинг “Разведкачи”, М. Зощенконинг “Графин”, “Кулранг эски”, “Ов”, “Сартарошхонада” каби ҳикояларини, А.Кононовнинг “Кутиб олиш” ҳикоясини, В.Ставскийнинг “Зирхтешар Раҳмонов”, А.П. Чеховнинг “Триша”, “Ёвуз ниятли киши”, “Лозим чоралар”, “Никоб”, “Ой тутилиши”, “Сарлавҳасиз”, “Семиз ва ориқ”, “Унтер Пришибеев”, “Хамелеон”, “Чиновникнинг ўлими”, “Чикди” каби ҳикояларини моҳироналик билан ўзбек тилига таржима қилган.

Таржимон Абдулла Қаҳҳор арман адабиётидан М.Шагиняннинг “Гидроцентральный” романини (1933), украин адабиётидан В.Василевскаянинг “Камалак” повестини (1944), Иван Ленинг “Тоғ оралиқлари” романини (1932), француз адабиётидан Э.Золянинг “Тегирмон қамали” асарини, қорақалпоқ адабиётидан Т.Қайипбергеновнинг “Совуқ бир томчи” қиссасини (1965), А.Клоссинг “Бизнинг паровоз илгари бос” ҳикоялари (1933), тожик адабиётидан Р.Жамилнинг “Менинг докторим” ҳикоясини (1949), араб адабиётидан “Бир соатлик халифа”, “Минг бир кеча” китобидан янги ҳикоя ва афсоналар (2-нчи нашрини) (1974) кабиларни ўзбек тилига таржима қилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳорати шундаки, у ўта аниқликдан қочиб, масалага ижодий ёндошади, унинг учун оригиналнинг таржимасига расмий мувофиқлиги эмас, балки оригиналга тенг қимматлилик, ёзувчининг бадиий услубини қайта яратиш муҳимдир. У таржимада фақат расмий талабларга риоя қилиш нуктаи назаридан қаровчилар билан келиша олмайди.

Ўзбек китобхони Гоголнинг Абдулла Қаҳҳор таржима қилган “Ревизор” комедиясини ўқиркан, ундаги комик образ-

ларни жонли тасаввур қилади ва деярли таржима асар эканлигини сезмайди. Комедиянинг таржимаси аниқ, таъсирчан бўлиб, таржимон баъзи жойларда оригиналдан оқилона чекинади.

Абдулла Қаҳҳор бошқа халқлар намояндаларининг асарларини таржима қилиб, уларни ўзбек китобхонларига танитган таржимонлардан биридир.

Абдулла Қаҳҳор ҳикматларидан намуналар

Одам боласи циркнинг оти эмаски, қамчи қарсиллаганда чўккаласа.

* * *

Катакда семириб ётган товук учишнинг фойда-зиёнини қайқдан билсин.

* * *

Душманинг отган тошдан, жигаринг отган увада қаттиқ тегади.

* * *

Умрдан бошқа ҳамма нарсанинг қисқа бўлгани яхши. Умр сал узун бўлса, зарари йўқ.

* * *

Одамзод ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

* * *

Дўланани кўриб, тоғни эсдан чиқармаслик керак.

* * *

Тўкилгандан томчилаган ёмон, тўкилганни киши дарров пайқайди. Томчилаганни узоқ пайқамаслик мумкин.

* * *

Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади.

* * *

Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.

* * *

Инсон ҳамма ерда улуғ... Унинг улуғлиги кўлидан келган ишларда яратувчилигида кўриниб туради.

Шундай одамлар ҳам бўладики, туғилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

* * *

Яхши тарбия кўрган одамнинг хислатларидан бири шуки, бундай одам ўз фаолиятида бошқалардан бир қадам олдинга ўтса дарров орқага қарайди, шерикларга ёрдам қўлини узатади, сафини кенгайтириб, янги ғалабани кўзлайди.

* * *

Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зехнга яхшироқ ўрнашади.

* * *

Муҳаббат чакмоқдай кўнгилдаги ҳар қандай қора булутни ҳам тилка-пора қилади.

* * *

Муҳаббат чакмоққина эмас, одамга ўхшайди: туғилганда бир парча гўшт бўлади, кейин кўзини очади, кейин кулдиргич пайдо қилиб илжаяди, кейин тил чиқариб ҳар куни янги бир гап айтади.

* * *

Адабиёт атомдан кучли, лекин кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас.

* * *

Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди – мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади.

* * *

Аёл бари бир аёл-да. Буларсиз бизнинг аҳволимизга маймунлар йиғлаши аниқ.

* * *

Болалар учун китоб ёзадиган киши ғоят уста санъаткор, катта тажрибали педагог, тилнинг заршуноси бўлмоғи керак.

* * *

Адабиётимизнинг софлиги учун кураш, асарларимизнинг таъсир кучини ошириш, миллион-миллион китобхонларимизнинг қалбидан чуқурроқ ўрин олиш учун кураш демакдир.

Абдулла Қаҳҳор ҳақида

Йиллар ва йиллар ўтаверади. Абдулла Қаҳҳорнинг китоблари эса яшайверади!

Лидия Батъ

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни беқиёсдир. У ажойиб мерос қолдирди. Ундан мерос бўлиб қолган адабий анъаналарнинг умри боқийдир, улар ёзувчи яратган машҳур ҳикоя қаҳрамонидек нафақат минг бир жонли, балки бир неча минг марта такрор ва такрор ҳаёт кечираверадилар.

Ирина Боролина

Гарчи бу олижаноб инсон оламдан ўтган бўлса ҳам, асарлари абадий тирикдир. Унинг романлари, пьесалари, ҳикоя ва повестлари ҳамиша янги, оҳори тўкилмаган, ҳамиша китобхонларга маънавий озуқа беради. Абдулла Қаҳҳордай заргарона ижод қилган, унингдай ҳақиқий санъаткор, ўз ишининг моҳир устаси бўла олган, ҳамиша сарбаланд юриб, ўз халқи билан ифтихор этган мағрур ёзувчигина чинакам бахтли ижодкордир.

Жалол Икромий

Абдулла Қаҳҳорнинг шуҳрати ва шонли ижоди билан ўзбек халқи қатори мен ҳам қувонаман ва фахрланаман.

Берди Кербобоев

Абдулла Қаҳҳор... драматургнинг дадил қўли билан ихчам ҳикоялар ёзди. Унинг повестларида доим ўткир сюжет, кутилмаган ўзгаришлар бўлади. Айни вақтда улар ҳаётий, ишонарли, бадиий мустаҳкам бўлади.

Леонид Ленч

Мен адабиётимиздаги улкан ижодкорлар орасида Абдулла Қаҳҳордек камтар ва камсуқум ижодкорни билмайман.

Ғабит Мусрепов

Қаҳҳор ҳақиқий инсон эди, у адабиётда умрбоқий асарлар қолдирди.

К.Симонов

Устоз ҳар бир учрашувга янги, теша тегмаган гап билан келар эдилар, бир соатми, икки соатми бутун аудитория у кишининг оғзиларига қараб ўтирарди. Бу—ноёб талант намунаси эди, бу унча-мунча нотиқнинг қўлидан келадиган иш эмас эди.

** * **

Мен Абдулла Қаҳҳорни учга бўлар эдим: ҳақиқат изловчи, ҳақиқат посбони ва ҳақиқий, пок донишманд. У киши ижоди-нинг илк давларида ҳақиқат излади, уни гоҳ топди, гоҳ йўқотди. Ўрта ёшларида ҳақиқат посбонига айланди, бинобарин, ҳақиқатни топиб олди — бу халқпарварлик эди, инсоният манфаати эди, шунинг, шугинанинг посбони бўлиб олди. Кексайган чоғида (Навоий ёшида) нуроний донишманд, мутафаккирлик даражасига кўтарилдики, у кишининг мутафаккирлигидан “мумтозлар” ларзага келди, “авом” шодмон бўлди.

Асрор Самад

Абдулла Қаҳҳор ўта нозиктаъб, маданиятли одам эдилар.

Мен у кишининг бирор маротаба отимни айтиб, баланд товуш билан чақирганларини эслаёлмайман. Бозор-ўчарга бориб қолсак, нуқул: “Қанисиз, қанисиз?” деб орқамдан юрар эдилар.

К.Қаҳҳорова

Автор яратган ҳикояларнинг кўпчилиги реал ҳаётий асосга эга экан, ёзувчи турмушда ўзи кўрган, эшитган ҳодисалардан, таниш кишилар ҳаётидан ҳикоя ясар экан. Аммо турмушда кўрганларини шундоғига ҳикояга олиб киравермас экан: уларни минг мақомга солиб кўриш, қайта саралаш, тасодифлардан тозалаш, унга “ўз ёнидан” қўйиш, ўйлаб юрган гапларини сингдириш орқали бадиий ҳақиқатга айлантирар экан. Зотан,

ёзувчи ҳикояларидаги ҳаётийликнинг, ишонтириш қудратининг сири ҳам ана шунда.

У.Норматов

Абдулла Қаҳҳор ишига муҳим халқ иши, виждон иши, чин ватанпарварлик бурчи деб қарар, шогирдларига шу фикрни муттасил сингдириб борарди.

Ҳаким Назир

Қушлар чуғуридан уйғониб кетдим. Тушимнинг таъбирини ўйладим. У чарақлаб турган ёз офтобидек равшан эди. Агар аёлларни илҳом париси деб тасаввур қилсак, Абдулла ака ўша пари қўлидан шараф тожсини кийиб, Ўзбекистоннинг абадий гулгун боғи – адабиёт оламига кириб кетганлиги чин ҳақиқат эмасми?

С.Сиёев

У минглаб, ўн минглаб кишиларнинг қалбига ҳаёт чирогини ёқиб кетди. Бу чироқ унинг китоблари, ўқувчилари, шогирдлари, дўстлари...

Устоз ёқиб кетган чироқ ҳеч қачон ўчмайди.

Саид Аҳмад

Абдулла Қаҳҳорнинг XX аср ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ниҳоятда улкандир.

Н.Каримов

Улкан талантларнинг бир-бирига меҳру муҳаббатини, тан беришни, ардоқлашни кўриб, қойил қолганман. Абдулла Қаҳҳор катта қалб эгаси, ўлмас асарлар яратган доно адиб, ёшларнинг мураббийси, келажакка интилган мутафаккир ёзувчи эди. У абадий барҳаёт сиймолар сирасида яшайверади.

Ж.Жабборов

Абдулла Қаҳҳор бой тажрибали, бадиий сўз санъатини пухта эгаллаган ёзувчидир. Унинг барча асарларини китобхонлар катта эътибор билан севиб ўқийдилар. Унинг тили ва

услуги катта мастерлар даражасида. Характерлари аниқ, бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ойбек

Абдулла Қаҳҳор ким билан, ақалли бир неча дақиқа мулоқотда бўлмасин, ибратли, умрбод эсдан чиқмайдиган хотира – ўчмас бир лавҳа қолдирарди.

М.Хайруллаев

Абдулла Қаҳҳорни элаганимда битта хулосага келаман: ёзувчи фақат ўз асарлари билан эмас, замондошлари хотирасида юзи шувут бўлмайдиган, келажак авлод олдида ибрат бўладиган из қолдирсин экан.

Шукрулло

Бироқ, таскин шуки, устоз адабиётимизга юксак келажак баиорат қилган эди, бугун амал олган ана шу баиорат меваларидан кўнглимиз шод, кўксимиз тоғ. Келажак адабиётимиз намояндалари улуг санъаткор Абдулла Қаҳҳор ижодий мактабининг муносиб меросхўрлари эканликлари билан фахрланишга ҳақлидирлар.

Э.Аъзамов

Абдулла Қаҳҳор мураккаб бир даврда яшашига қарамай, хориж ва қардош халқлар билан дўстона муносабати ўзбек адабиётини дунёга танитишда ўзига хос ўрин тутган.

Ҳ.Хамроқулова

*Эй фалак, тагофун боқма мардумга,
Халқимнинг жони-ку келди халқумга,
Халқумлар чўкдилар зоҳир-заққумга,
Хамроҳ бўлмоқчидай буюк марҳумга!
Нафосат гулшани ғамгин нидолик
Навоий халқига тушиди жудолик
Мардона кўз юмиб қайсар мардимиз.*

М.Нурматов

*Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Саҳролар қоларди чексиз, бетакрор,
Нега улар чексиз, десак дедилар.
Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳҳор.*
А.Орипов

*Исбот қиламан деб ташиланган излар,
Гоҳо эшикларга киролмай қайтди
Охир умр қайтди қозғоз оралаб,
Елкасига ортиб бир улкан қайғу
Нолиб ўтирмади ортига қараб
Демакки, олдиндан билган экан у.
Дарахтнинг шоҳига отилган тошлар,
Дарахтнинг пойига чўқар бари бир.*
З.Мўминова

*Аслида, инсон ўзида йўқ фазилатни бировдан топса, шунда-
гина унга талтинадими, ёки одамлар бир-бирлари билан қалин
дўст бўлиб кетишлари учун ўхшаи бўлишлари керакми?*
О.Шарафиддинов

*...шогирдлари орасида асосий ўринни биз, тўрт киши —
Пиримқул, Озод, Одил ва мен эгаллагандик. “Гуруҳбозлик
қилишяпти” деган гаплар ҳам тарқалган.*
М.Қўшжонов

*Адабиётимиз тарихида бетакрор сиймолардан бири Абдулла
Қаҳҳордир. Бу зот адабиётга кириб келган дамлариданоқ сўз
сеҳргари сифатида эътироф этилганди. Абдулла Қаҳҳор жаҳон
адабиётида ҳам энг таниқли ёзувчилар сафида туради.*
А.Орипов

**“Абдулла Қаҳҳор ижодий фаолияти ва у ҳақидаги
манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар
беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад Абдулла Қаҳҳор ижоди, унинг таржимаи ҳоли, адиб асарлари, у ҳақидаги нашр этилган хотиралар, бағишлов, илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаври ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг асарлар тўплами ҳамда алоҳида нашрларига, асарларининг таржималарига ва у ҳақидаги илмий ва бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Абдулла Қаҳҳорнинг матбуотда дастлаб қайси ҳикояси босилган ва қачон чоп этилган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи ҳикояси “Бошсиз одам” 1929 йилда матбуотда чоп этилган).

2. Муаллифнинг қайси поэзияси “Норин шилпик” таҳаллуси билан “Муштум” журналида чоп этилган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг 1924 йилда “Ой куйганда”, “Омин”, “Салла тўн” каби поэзияси “Норин шилпик” таҳаллуси билан “Муштум” журналида чоп этилган).

3. Куйида келтирилган парча муаллифнинг қайси мақоласидан олинган?

Тагор бенгал адабий тилини жонли тилга, бенгал адабиётини оммага яқинлаштиради.

Улуғ санъаткор, улуғ киши, улуғ ҳинди адабиётни одам боласининг ғам-кулфатига барҳам бериш, ҳинд тараққиёти ва Ҳиндистон қудратининг ўсиши йўлидаги асосий тўсиқ бўлган кастачиликни ўртадан кўтариб ташлаш, ҳиндини пачоқ ва нотагон қилаётган мустамлакачилик шароитига қарши курашга йўналтирди.

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Улуғ ҳинди” мақоласидан олинган).

4. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ён дафтардан қайдлар”идан қайси-ларни биласиз?

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Бир хатга жавоб”, “Ўртоқ К.К.”, “Ҳабиб Абдуллаев ҳикоя қилади”, “Абдукодир найчи ҳикоя қилади”, “Баъзи бир нўноқлик тўғрисида”, “Мастнинг мастга маслаҳати”, “Хат” каби “Ён дафтардан қайдлар”и мавжуд).

5. Ушбу келтирилган парча адибнинг қайси асаридан олинган?

Унинг қалбида наштардай қадалиб турган хўрлик ўрнини нафсоният, кўнглининг аллақайси бурчида урчиётган ғуссанинг ўрнини ғазаб, вужудини қоплаб келаётган ҳорғинлик ўрнини куч, ғайрат эгаллади. У ҳозир раисга рўпара бўлиб унинг қилмишини жоҳиллик, тарбиясизлик эканини башарасига айтишини, юз-хотир қилмасдан ва ора бузилиб қолишидан чўчимасдан: “Мен сен айтган муштира аёллар тоифасидан эмасман!” дейшини истар эди.

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссасидан олинган).

6. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси мақоласида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 40 йиллик ижодий фаолияти ҳақида фикри акс эттирилган?

(Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак

адабий авлод қаршиида устод бўлиб гавдаланади. “Ойбекка” мақоласида юқоридаги фикрларини акс эттирган).

7. Қуйида келтирилган парча Абдулла Қаҳҳорнинг қайси мақоласидан олинган?

“Бемор” менинг учун ҳар ҳолда болалигимдаги ўша таассуротлар билан чамбарчас боғлангандир. Мен бу гапни таассуротларни “ўз ичига олганлиги” учунгина эмас, балки ўша таассуротларга асосланганлиги учун ҳам айтаётибман. Мен фақат қайта бичиб тикканимда ҳаёт ҳақиқатига қарши иш қилаётибман деб сира ўйлаган эмасман. Аксинча, ҳикояда ҳаётни ўшандай кўрсатиб тўғри қилган эканман: беишарлигимда аямдан ажралиб етим қолишим ўша давр шароитида ҳеч гап эмас экан. Бу жудодлик натижасида юз бериши мумкин бўлган бутун даҳшатларни ва бунинг барча оқибатларини энди тушуниб етдим. Даҳшатли манзараларнинг чаласини тасаввур чизиб берди.

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага” мақоласидан олинган).

8. Ушбу келтирилган парча адибнинг қайси қиссасидан олинган?

Муҳайё шундоқ деб кўзига ёш олмасдан бурун еб ўтирган овқати ғарибона экани хаёлига ҳам келмаган Анварнинг бирдан хўрлиги келиб, томоғига бир нима тикқилди, йиғи хуруж қилди, буни билдирмаслик учун юзини тескари ўгириш ёхуд кўзини беркитиш ноқулай бўлгани сабабли миннатдорчилик маъносида Муҳайёни қучоқлаб елкасига бошини қўйди, тез-тез киприк қоқиб ёшини ютди. Муҳайё унинг йиғлаганини пайқаб баралла йиғлаб юборди. Иккови бир-бирини юпатмоқчи бўлган сайин йиғи хуруж қилиб келарди.

Иккови кўп йиғларди.

Машина ёглаётган оқсоқол чол буларни кузатиб турган экан, чуқур хўрсиниб:

Ишқ балодир, ишқ балодир,

Ошиқ кишилар ғамга мубталодир,

-деди-ю автомобилнинг остига кириб кетди.

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Муҳаббат” қиссасидан олинган).

9. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси ҳикояларини биласиз?

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Бек”, “Айб кимда”, “Қизлар”, “Ботирали”, “Асрор бобо”, “Кўк конверт”, “Хотинлар”, “Кампирлар сим қоқди”, “Кароват”, “Картина”, “Тўйда аза”, “Минг бир жон”, “Иғвогар”, “Даҳшат”, “Думли одамлар”, “Маҳалла”, “Сўнган вулқон”, “Нурли чўккилар” ва бошқа ҳикоялари бор).

10. Ушбу келтирилган парча адибнинг қайси ҳикоясидан олинган?

Эллик уч йилдан бери бир дастурхондан туз татиган, бир кўрпани босган, бирга кулган, бирга йиғлаган; эллик уч йилдан бери мушукчадай бир-бирига суйканиб, бир-бирини ялаб, оғритмай тишлаб, йиқитиб, йиқилиб бериб, пайкалашиб ўйнаган, эллик уч йилдан бери меҳр аталмиш улкан туйғу риштасини пилла қуртидай бир маромда аста-секин чувиб, бир-бирининг қалбини ўраб-чулғаб кетган.

Ҳамма расм-русм жойига етказилгандан кейин одамлар тобутни кўтарганда шу ришта бирдан тортилди-ю, гўё Ҳикмат буванинг юрак-бағрини суғуриб олди. Чол ўкириб юборди.

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Маҳалла” ҳикоясидан олинган).

11. Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг талантига қандай баҳо берган?

(Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов таланти ва дадиллигига “мен иккисининг ҳам келажагини кўрдим”, деб баҳо берган).

12. Абдулла Қаҳҳор “Маҳалла” ҳикоясида Эркин Воҳидовнинг 4 қатор шеърини эпиграф қилиб олган, ана шу мисрани айтиб беринг.

*(“Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши,*

*Одамзодга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши” -*

Абдулла Қаҳҳорнинг шоир Эркин Воҳидовга ихлослари баланд бўлган).

13. Абдулла Қаҳҳор қайси повестида Абдулла Ориповнинг қайси шеъридан тўрт мисрасини эпиграф қилиб олган?

(Абдулла Қаҳҳор “Ўтмишдан эртактар” повестида Абдулла Ориповнинг “Муножот” шеъридан тўрт мисрани эпиграф қилиб олган.

*Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,
Асрлар гамини сўйлар “Муножот”.
Куйи шундай бўлса гамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!)*

14. Қайси машҳур ҳажвчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Тўйда аза” ҳикоясига қандай баҳо берган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг бир неча ҳикоя ва фелъетонларини рус тилига таржима қилган машҳур ҳажвчи Леонид Ленч “Тўйда аза” ҳикоясига шундай баҳо берган:

Абдулла Қаҳҳор маҳоратини кичкинагина “Тўйда аза” ҳикояси мисолида кўрсатиш мумкин. Инсоннинг ўлими ҳақида қулгили қилиб ҳикоя ёзиш ниҳоятда мураккаб. Бу иш фақат Чеховнинг қўлидан келар эди, французлар эплашар эди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор шунга муваффақ бўлибди. Кичик бир ҳикояда сийқаси чиқиб кетган ўлим воқеаси янгича ҳаётий бўёқлар билан ярқираб, жилоланиб турибди).

15. Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи китоби қачон чоп этилган ва у қайси асар?

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Қишлоқ ҳукм остида” биринчи китоби 1932 йилда чоп этилган).

16. Муаллифнинг “Сароб” романи қачон нашр этилган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи 1937 йилда нашр этилган. Мустақиллик йилларида “XX аср ўзбек романи” туркумида 1995 йилда нашр этилган).

17. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

*Мусофир бўлмаган ким бор,
Мужовир бўлмаган ким бор.*

*Бировнинг юртига бориб,
Муҳожир бўлмаган ким бор?...*

(Юқорида келтирилган парча Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” киссасидан олинган).

18. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” киссаси кимларга мўлжалланган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” киссаси ўрта ёшдаги мактаб болалари учун мўлжалланган).

19. Кибриё Қаҳҳорова “истироҳат кунлари боғимиз гавжум бўлар эди ва ёру биродарлари, академиклар билан тез-тез учрашиб турар эди”, деганлар. Ана шу академик дўстлари кимлар бўлган?

(Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Жўраҳон Саидов, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Мирзавали Муҳаммаджоновлар билан тез-тез учрашиб турган).

20. Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари қайси тилларга таржима қилинган?

(Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари араб, бенгал, болгар, вьетнам, инглиз, испан, монгол, немис, поляк, румин, француз, форс тилларига, шунингдек, арман, белорус, грузин, латиш, литва, молдован, мордов-эрзя, озарбайжон, татар, чечен, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, эстон тилларига ҳам таржима қилинган).

21. Абдулла Қаҳҳор ҳақида илмий ва хотира асарларини ёзган муаллифлардан кимларни биласиз?

(Абдулла Қаҳҳор ҳақида М. Абдурахмонова, Ҳ. Абдусаматов, А.Алимухамедов, С. Мирзаев, Н.Раҳимжонов, М. Султонова, М.Турсунхўжаева, Н.Шодиев, Н.Қўчқортоев, М. Қўшжонов, У.Норматов, О.Шарафиддинов, К.Қаҳҳорова, И. Агатов, Л. Бать, М.Бекжонова, Н.Боролина каби муаллифлар илмий ва хотира асарлар яратганлар.).

22. Абдулла Қаҳҳор ижодий фаолияти давомида неча асар ёзган?

(Абдулла Қаҳҳор ижоди давомида 40 дан зиёд асар эълон қилган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги

ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, қаҳҳоршунослар, шоир ва ёзувчилар, таржимонлар, журналистлар, тилшунослар, санъаткорлар, актёрлар ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Оғзаки журнал

Кутубхонада, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам мутбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин. Оғзаки журнал ҳам адибнинг ҳикоясини, матбуот, публицист, таржимон, романнавислигига доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар бир саҳифаси мавзунинг бирон-бир масаласига бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхонада, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди. Сўнг сўзга чикувчига беради.

Қуйида Абдулла Қаҳҳорнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Унда адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудига бағишланган кеча ўтказишда фойдаланиш мумкин.

